

## ТАРЖИМАДА ХАТО ТУРЛАРИ

**Курбонова Гулсара Содиковна**

Ўзбекистон Миллий университети

Франкуз филологияси кафедраси доценти, ф.ф.д (DSc).

E-mail: [gulsara.qurbonovna@mail.com](mailto:gulsara.qurbonovna@mail.com)

**Аннотация:** Мазкур мақолада таржимоннинг аслият матнини тушуниш даражасига кўра таржима тилида йўл қўйилган лисоний хатолар каби таржима хатолари таснифини ўрганишга бағишланади. Унда лингвистик таржимашунос олимларнинг лексик, грамматик, стилистик даража ва таржима мезонига оид хатолар турларига билдирилган фикрлари таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** тил ва нутқ меъёри, стилистик ва синтактик хатолар, таржима хатолари типологияси, герменевтик ёндашув.

**Аннотация:** Данная статья будет посвящена изучению классификации ошибок перевода, таких как лингвистические ошибки, допускаемые на языке перевода, в зависимости от степени понимания переводчиком оригинального текста. В нем анализируются мнения ученых-лингвистов-переводчиков, высказанные о типах ошибок, связанных с лексическим, грамматическим, стилистическим уровнем и критериями перевода.

**Ключевые слова:** языковая и речевая норма, стилистические и синтаксические ошибки, типология ошибок перевода, герменевтический подход.

**Annotation:** This article will be devoted to the study of the classification of translation errors, such as linguistic errors made in the target language, depending on the degree of understanding of the original text by the translator. It analyzes the opinions of linguists and translators expressed about the types of errors related to the lexical, grammatical, stylistic level and criteria of translation.

**Keywords:** linguistic and speech norm, stylistic and syntactic errors, typology of translation errors, hermeneutical approach.

Замонавий таржимашунослик тадқиқотларида ўғирма хатоларини аниқлаш мураккаб жараён сифатида талқин этилади. Р.Келлер фикрича, “хатолик” икки маъноли бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда – бу хато ёки нотўғри бажарилган фаолият сабабли, иккинчи ҳолатда эса шу сингари ҳаракатлар натижасини келтириб чиқаради[6]. Тадқиқот жараёнида хато тушунчалари ўртасидаги фарқ, улардан қай бири бошланғич мезон сифатида олинганлиги билан белгиланади. Агарда тадқиқотчи хатони ҳаракат натижаси сифатида таржима тили меъёрлари бузилган деб, баҳоласа, унда хато жараён асносида ўрганилиб, аслият тили системасидан келиб чиқиб, хатолар мезонини киритади. Р.Киллер биринчи хатолик тушунчаси ёндашувини дидактик, иккинчисини эса коммуникатив-функционал хусусиятига кўра баҳолайди. Хатоликни бу тариқа иккига бўлиш ҳар доим ҳам қўйилган натижани беравермайди, чунки таржима тилида

аслиятга мос таржима қилинган матн аслият матни маъносини бермаслиги ёки таржима матнида меъёр узусини бузиши мумкин.

Е.М.Верещагин нуқтаи назарида мезон ва узус бир-бирига қарама-қарши икки ёндашувни бирлаштиради. Л.К.Латышев таржима хатоси типологияси хусусида “нотўғри жумлаларни қўллаш тил системасини бузишни эмас, балки мезоннинг бузилиши – бу айнан тил системасида мавжуд тил бирликларининг нотўғри ифодасини англатади. Узуснинг бузилиши эса нутқ шакли ва бирор ҳолатдаги нутқий мулоқотнинг ноадекват қўлланилишидир”[3], деб ёзади. Бироқ келтирилган тасниф таржима тилида таржимон томонидан йўл қўйилган тил хатоларини тавсифлайди, агарда таржимон бу хатоликларга йўл қўйса, улар таржима хатолари сифатида талқин этилади ва улар аслият мазмуни йўқотган камчилик сифатида қайд этилмайди. Шунинг учун ҳам таржима хатолари тил хатолари асосида талқин этилгани учун таржима танқидга учраб келган. Таржима хатоси бу ҳолатда таржимашунослик нуқтаи назаридан таржимон компетенцияси, яъни аслият матнини яхши тушуниши, аслият тилини билиши каби бир қатор таржимачиликнинг ўзига хос белгиларига эга бўлиши лозим. Демак, таржима хатоликлари типологиясини алоҳида бўлишга ҳожат йўқ. Фақат тил хатолари тил меъёрларининг бузилиши таржима жараёнида йўл қўйиладиган тил системаси бирликларини нотўғри қўллаш натижаси таржимоннинг ўз она тилида сўз бойлиги камлиги билан боғлиқ, таржима хатоси эса чет тилидаги матн мазмунини етказишдаги узилишдир. Бу хусусида Ж.Дю Белле таржимонлар ҳақида бошқача тарзда ифодаловчилар дегандан кўра “хиёнаткорлар” деб аташ тўғри бўлади, деб муболаға қилади[5]. В.Н.Комиссаров, Р.К.Миньяр-Белоручев, Г.М.Стрелковскийнинг “хато”, “маъновий ноаниқлар”, Н.К.Гарбовскийнинг “таржима сотқинлиги”, “лексика, синтаксис ва фразеология соҳасида таржимоннинг сохта дўстларини қўллаши”, “аслиятнинг синтактик структурасига сохта тақлид қилиш”, М.Д.Гутнернинг “таржима хатолари”, “сўзма-сўзлик”, Т.Д.Жерунинг “сохта мослашув”, Л.К.Латышев “сохта эквивалентларнинг қўлланиши”, А.А.Богатырев ва Н.Л.Галееваларнинг “номувофик таржима усуллари” каби терминларининг барчаси бугунги таржимашунослик назариясида Ж.Дю Белле қарашларининг турли хилдаги ифодаси талқинидир.

Жаҳон таржимашунослик назариячиларининг барча аслият ва таржима тилидаги номутаносибликларга “хато” сифатидаги қарашларининг ўзида ички қарама-қаршиликлар мавжуд, ҳеч ким бадий матн таржимасида маъно йўқотишларини очиқ тасвирлаб бера олмайди, инсон ҳар доим ҳам матнни ўрганишда илғаб олган маънони номлаб, уни худди ўзи тушунганидек бошқага тушунтириб бера олмайди. Сабаби, бадийлик доим аслият ва таржима билан параллел изоҳлашга оид таҳлилни талаб этади. Шунинг учун ҳам тил хатоликларини ўрганиб чиқиш таржима хатоликларига нисбатан кўп машаққат талаб этмайди.

Кўпчилик таржима хатолари лингвистик таржима назарияси терминлари орқали очиқ берилади, лекин юқорида таъкидлаганимиздек, тил системаси нуқтаи назаридан ушбу ҳодисани тўлиқ тушунтириб бўлмайди. Шундай бўлса-да, лингвистик таржима назариясининг эквивалентлик каби тушунчаларисиз таржимашунослик ўз олдида қўйган масалаларни ҳал қила олмайди, чунки бошланғич матн билан таржима матн ўртасида бири иккинчисининг таржимаси асосидаги аниқ муносабат амалга оширилади. Ундан ташқари айнан эквивалентлик тушунчаси, умуман, таржимачиликда таржима хатоларини аниқлашда зарур.

Демак, тил системаси ва таржима хатоси ўртасидаги фаркни қуйидагича фарқлаш мумкин: 1) тил системаси хатолари – таржимоннинг таржима тили мезонларини яхши билмаслиги; 2) таржима хатоси – таржима мезонларига амал қилмасдан таржиманинг муваффақиятсиз амалга оширилишидан иборат. Масалан, Монтескьенинг “Форс номалари” Р.Қиличев таржимасида 9-мақтубда ҳарам оғасининг рухий аҳволи тасвирига эътибор қаратайлик: *Аслиятда: Dans ce temps de trouble, je n'ai jamais conduit une femme dans le lit de mon maître, je ne l'ai jamais déshabillée, que je ne sois rentré chez moi la rage dans le coeur et un affreux désespoir dans l'âme. Таржимада: Ана шу изтробли йиллар мобайнида ҳар сафар бирон бир аёлни хўжайинимнинг ётоғига кузатиб қўйиб хонамга қайтар эканман, қалбим қаҳру газаб билан тўлиб тошар, руҳимни тушкунлик қамраб оларди*[7]. Ушбу матн мазмуни таҳлилида тил системасига оид асар қаҳрамонининг таржима тилидаги тил системаси мезонига оид номувофиқликни кузатамиз. Аслиятда қўлланилган **ne... jamais** инкор юкламаси таржимада тушириб қолдирилган. Натижада, китобхон кўз олдида ҳарам оғаси ўзининг жинсий заифлигидан изтиробга тушадиган кучсиз инсон қиёфасида гавдаланади. Аслиятда ҳарам оғасининг ҳаракати унинг жисмоний камчилигидан доимо изтиробга тушишини эмас, балки унинг бу ҳаракати ўз олдида қўйган қаҳри қаттиқ бўлиш мақсадидан эканлиги тасвирланади. Бироқ биз бу парча таржимасини таржима мезонига кўра миллийлик нуқтаи назардан адекват таржима ҳисоблаймиз, чунки таржимон биргина қаҳрамонининг психологик ҳолатини бўрттириб кўрсатиш орқали ўша даврдаги барча ҳарам оғаларининг аянчли тақдирини китобхон кўз ўнгида гавдалантира олган.

Таржима хатоларини изоҳлаш учун Э.Гуссерлнинг герменевтик ёндашув усулларидан бири ҳисобланган матн феноменологияси(фақат ҳодисаларни билиш мумкин, моҳиятини билиб бўлмайдиган)га эътибор қаратамиз. Унда матндаги мазмун тўғридан-тўғри тил белгилари орқали узатилмайди, бунда матн муаллифи мақсади тил ҳодисаси сифатида эмас, балки матнни ташкил қилувчи ўзига хос усул сифатида ўрганилади[3]. Г.И.Богинннинг феноменологик тадқиқоти Э.Гуссерель назариясига қарама-қарши туради. Унга кўра, “матн ғояси, мазмун-моҳияти воқеликнинг бир лаҳзалик акси сифатида муаллиф томонидан программалаштирилади. Муаллиф матнни яратади, таржима матни – шу программанинг иккиламчи моддий шакли. Реципиент (таржимон) матннинг моддий материал кўринишида моҳиятини ўзлаштиради ва уни мазмунан тўлдиради, бойитади”[2]. Бошқача айтганда, бу ерда муаллифнинг тил компетенцияси китобхоннинг тил компетенциясини юқори даражага кўтаради. Г.И.Богинннинг тил компетенцияси беш даражадан иборат:

- 1) нутқнинг формал тўғри қўлланилиш даражаси. Нутқнинг бошланишида сўзловчи озми, кўпми тўлиқ тил меъёрларига риоя қилади;
- 2) нутқнинг тезлиги даражаси фақат мулоқот жараёнида реаллашадиган нутқ фаолиятининг ички плани;
- 3) нутқнинг образли воситаларга бойлиги;
- 4) тил компетенциясига кўра адекватлик даражаси
- 5) адекват комплектация (тўлиқлик) даражаси. Унда матн ҳам, мазмун ҳам ифода планида матнни тўлиқ ишлаб чиқишга тегишли ютуқлар ва камчиликларни ўз ичига олади[1].

Г.И.Богиннинг тил даражалари таснифидан нутқнинг тўғрилиги ва тезлиги бирламчи, нутқнинг образли адекватлиги ва тўлиқ адекватлигини иккиламчи ҳодиса, деб қаршимиз мумкин.

Иккиламчи тил ҳодисалари нутқнинг образли адекватлик даражаси ва нутқнинг экстралингвистик ҳамда интралингвистик адекватлик ўртасидаги фарқ қуйидагича:

1. Адекватлик даражаси: а) субститутив ифода воситаси орқали намоён бўлади; б) нутқнинг коммуникатив варианты нутқ типологияси ва экспликация ҳамда импликация мезонларини танлаш асосида амалга оширилади; в) бир матн миқёсида тилнинг функционал стилистик хусусияти ҳисобга олинади.

2. Адекватлик комплектация даражаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади: а) матннинг барча элементларининг тез-тез такрорланишига кўра комплектлаш; б) матннинг тўлиқ адекват комплектациясини таъминлаш, яъни нутқ типологиясининг экстралингвистик хусусиятларини ҳисобга олиб, икки маъноликка йўл қўймасдан бир матндаги экспликация ва импликация тил ҳодисаларини иккинчи типологик вариантга кўчириш стилистик адекватлик комплектацияси матн формаси ва мазмунининг стилистик воситалар орқали аслият ва таржима тилида ўзаро мос келишини англатади; д). комплектация аспекти матннинг аниқ натижали моддий воситаси саналади, яъни матнда ифодаланган фикрнинг алоҳида тушунтиришларсиз имлицит тарзда ифодаланишига имкон беради[2].

Тадқиқотимизда тил компетентлиги тушунчасини қўллашимиз бизга таржима матнида турли даражадаги хатоларни топишга имкон беради. Тил компетентлигининг турли даражалари таржимада турли хил хатоликлар чиқишининг олдини олади. Нутқнинг формал тўғри қўлланилишида грамматик ва лексик хатолар таҳлил қилинади. Нутқнинг услубий бўёқдорлиги даражаси аслият матни мазмунининг тўлиқ берилиши кўзда тутилади, чунки бу даража таржимоннинг сўз бойлиги компетенцияси билан боғлиқ бўлади. Адекват танлаш даражасида таржиманинг субститутив-трансформация онтологиясининг нотўғри, ноаниқ қўлланилган хатолари таҳлил этилади. Стилистик хатолар ҳам адекват комплектация жараёнида рўй беради[8]. Ушбу даражада аслият матнида мавжуд стилистик адекватлик ва имлицит тушунчани таржимон тўғри англамаслиги натижасида таржима матнида стилистик хато ва фикрни тўғри етказилмаслик ҳодисаси рўй беради. Умуман олганда, матннинг барча компонентлари мазмуни семантик планда ифодаланади. Таржимоннинг тил компетенцияси даржаси унинг тушуниш даражасини белгилайди.

Демак, ҳар қандай бадиий асар таржимасини асар яратилган давр ва таржима яратилган даврни боғлиқ ҳолда тарихийлик принципи асосида ўрганиш зарур. Бунда тилнинг доимий ривожланиш хусусиятлари, таржимон диалектикаси ва китобхоннинг маданий савияси муваффақиятли таржима калити бўла олади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Богин Г.И. Типология понимания текста: Учебное пособие. – Калинин: КГУ, 1986. – С.25.
2. Богин Г.И. Источники неявной динамики текста // Англистика = Anglistica / Под общ. ред. А.Д. Травкиной. – Тверь: ТвГУ, 1999. – С. 9-23.
3. Верещагин Е.М. Психологическая и методическая характеристика двуязычия (билингвизма). – М.: Высшая школа, 1969. – С.58.

4. Гуссерль Э. Кризис европейских наук и трансцендентальная феноменология. – СПб.: Владимир Даль, 2004. – 400 с.
5. Du Bellay J. Defence et illustration de la langue françoise (1549) // Horguelin P.A. Antologie de la maniere de traduire / Domaine francaise / Ed. P.A. Horguelin. – Montreal: Georg & Cie, 1981. – P46.
6. Keller R. Zum Begriff des Fehlers im muttersprachlichen Unterricht // Fehlerlinguistik. Beitrge zum Problem der Sprachlichen Abweichungen / Hrsg. D. Cherubium. – Tubingen: Niermeyer, 1980. – P.23-42.
7. Montesquieu, Lettres persanes, Editions Gallimard, 1949. – P.41.; Монтеस्कье. Форс номалари. –Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999. – Б.16.
8. Sodikovna, Kurbonova Gulsara. «CULTURAL ASPECTS OF TRANSLATION IN THE STUDY OF». E-Conference Globe. 2021.
9. Sadullaeva N., Burieva U. The Peculiarities of Incomplete Sentences in Modern English //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – C. 3008-3020.
10. Sadullaeva S., Arustamyan Y., Sadullaeva N. Shifting the assessment paradigm from knowledge to skills: Implementation of new appraisal procedures in EFL classes in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 9. – №. 1. – С. 4943-4952.
11. Arustamyan, Y., Siddikova, Y., Sadullaeva, N., Solieva, M., & Khasanova, N. (2020). Assessment of Educational Process and its Organization. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(S1), 573-578.
12. Nilufar S., Elvira A. GENDER SPECIFICITY OF PEDAGOGICAL DISCOURSE //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. – 2023. – Т. 3. – №. 08.05. – С. 187-190.
13. Gulnoza K., Sadullaeva N. LINGUISTIC FEATURES OF GLUTTONIC DISCOURSE.
14. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory and Its Reflection In French Phraseology." Journal of Positive School Psychology (2022): 2883-2889.
15. Yaxshiboyeva, Nodira. "Reconstruction of coloristic expressions in erkin azam's" noise" and" pakana's love"." Конференции. 2021.
16. Ilhomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek Phraseology." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.
17. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and J. A. Yakubov. "Archaic Phraseological Units as Windows into “Historical Memory” in French and Uzbek Linguistic Traditions." American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157) 2.1 (2024): 163-169.
18. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing “Historical Memory” In Uzbek and French Languages." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.
19. Ilhomovna, Djafarova Dildora. "Phraseological Units Expressing" Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts." Best Journal of Innovation in Science, Research and Development 2.11 (2023): 490-492.

20. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятлараро мулоқотнинг социолингвистик хусусиятлари." Академические исследования в современной науке 2.17 (2023): 165-169.
21. Иногамова, Ф. М., and Н. Э. Яхшибоева. "Фразеологик маънонинг конвенциаллиги." Academic research in educational sciences 3.5 (2022): 1176-1182.
22. Яхшибоева, Н. (2023). Туристический дискурс как один из особых видов институционального дискурса. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(6), 879-884.
23. Яхшибоева, Нодира. "The role of tourism terminology in french." O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2023,[1/4] (2023).